

## “ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР МЕТОДИКАСИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

**Фарсахонова Дилафрўз Ризахоновна**

ЖДПИ доценти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7274931>

**Аннотация.** Мазкур мақолада педагогика олий таълим муассасаларида “Тарбиявий ишлар методикаси” фанини ўқитишда интерфаол таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича методик тавсиялар бериб ўтилади.

**Калим сўзлар.** тарбиявий ишлар методикаси, метод, интерфаол метод, таълим технологияси, методика, таълим, тарбия, билим, талаба, тренинг, контакт, суҳбат.

### TECHNOLOGY OF TEACHING THE SUBJECT "METHODOLOGY OF EDUCATIONAL WORKS"

**Abstract.** This article provides methodical recommendations on the use of interactive educational technologies in the teaching of the subject "Methodology of educational work" in pedagogical institutions of higher education.

**Keywords.** methodology of educational works, method, interactive method, educational technology, methodology, education, upbringing, knowledge, student, training, contact, conversation.

### ТЕХНОЛОГИЯ ПРЕПОДАВАНИЯ ПРЕДМЕТА «МЕТОДИКА УЧЕБНОЙ РАБОТЫ»

**Аннотация.** В данной статье приведены методические рекомендации по использованию интерактивных образовательных технологий при преподавании предмета «Методика воспитательной работы» в педагогических вузах.

**Ключевые слова.** методика воспитательной работы, метод, интерактивный метод, образовательная технология, методика, обучение, воспитание, познание, ученик, обучение, контакт, беседа.

### КИРИШ

Инсоннинг маънавий-ахлоқий тарбиясида таълим-тарбия жараёнида ўқитиладиган фанлар, оммавий ахборот воситалари, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам аҳамиятлидир. Педагогика олий ўқув юртлирида бўлажак ўқитувчиларни миллий ва умуминсоний кадрлар, инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, юксак эътиқод руҳида тарбиялашнинг муҳим омили сифатида тарбиявий ишлар методикаси фани фалсафа, психология, умумий педагогика, физиология, тарих, тил ва адабиёт каби фанлар билан боғлаб ўрганилади.

Мазкур мақолада педагогика олий таълим муассасаларида ўқитиладиган “Тарбиявий ишлар методикаси” фанида интерфаол таълим технологияларидан самарали фойдаланиш йўллари бўйича методик тавсиялар бериб ўтилади.

Фанни ўқитишда ҳар бир мавзунинг мазмун моҳиятидан келиб чиқиб, мавзуга мос методлар танланган ҳамда ушбу методларни қўллашда талабаларда ривожлантириладиган маънавий-ахлоқий сифатларга алоҳида эътибор қаратилган.

**Мавзу: Миллий тарбиянинг мазмуни ва моҳияти.**

**“ФСМУ” технологияси.**

Шахс маънавий юксалишида миллий кадрларнинг ўрнини ёритинг.

## МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

*Технологиянинг мақсади:* мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мавзуни мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил қилишда фойдаланиш тавсия этилади.

*Технологияни амалга ошириш тартиби:*

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологияси босқичлари ёзилган қоғозлар тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳ тартибида тақдимот қилинади.

“ФСМУ” таҳлили қатнашчиларнинг касбий-назарий билимларини амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштиришига асос бўлади. Масалан:

Ф (фикрингизни баён этинг)	Шахс маънавий юксалишида миллий қадриятларнинг ўрни жуда муҳим
С (фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг)	Чунки, миллий қадриятлар мазмун-моҳиятини тушуниб етган шахсгина ўзида миллий таъбияни намоён эта олади
М (кўрсатилган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг)	Мисол учун Шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбияга оид қарашларидан шахс маънавиятини юксалтиришда фойдаланилса, ёшлар аждодларимизга муносиб авлод бўлишга интипалисан
У (фикрингизни умумлаштиринг)	Ҳар қандай жамият маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш асосида ўз истикболини тасаввур этиши

ўрганилаётган мавзу (масала ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда таълим олувчиларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилиятлари ривожлантирилади.

Машғулотлар чоғида “Концептуал жадвал” график орғанайзеридан қуйидагича фойдаланилади:

- ўқитувчи ечими топилиши лозим бўлган мавзу (масала)ни аниқлайди;
- талабалар мавзу ва график орғанайзерлардан фойдаланиш қондаси билан таништирилади;
- талабалар кичик гуруҳларга ажратилади;

- гуруҳлар ечими синф (гуруҳ) жамоасида муҳокама қилинади.

Талабалар:

1. Жадвални тузиш қондаси билан танишадилар. Таққосланиладиган фикрларни аниқлайдилар, олиб бориладиган таққосланишлар бўйича хусусиятларни ажратадилар.

2. Алоҳида ёки кичик гуруҳларда концептуал жадвални тўлдирадилар:

узунлик бўйича таққосланадиган (фикр, назариялар) жойлаштирилади:

ётиги бўйича таққосланиш бўйича олиб бориладиган турли тавсифлар ёзилади.

3. Иш натижалари тақдимоти.

**Мавзу: Тарбия усуллари ва шакллари.**

**“SWOT – таҳлил”** методи.

*Методнинг мақсади:* мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолаш, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

<b>S – (strength)</b>	кучли томонлари
<b>W – (weakness)</b>	заиф, кучсиз томонлари
<b>O – (opportunity)</b>	имкониятлари
<b>T – (threat)</b>	тўсиқлар

Намуна: шахс онгини шакллантирувчи методлар таҳлилини “SWOT – таҳлил” жадвалида акс эттиринг.

### “SWOT – таҳлил” методининг қўлланилиши

<b>S</b>	Шахс онгини шакллантирувчи методларнинг кучли томонлари	Ўқувчиларда илмий дунёқараш, эътиқодни, маънавий ва сиёсий ғояларни шакллантириш мақсадида уларни онги, хислари ва иродасига таъсир кўрсатиши.
<b>W</b>	Шахс онгини шакллантирувчи методларнинг кучсиз томонлари	Сухбат ва ҳикоя методларини қўллашда таълим технологияларига бўлган эҳтиёжининг юқорилиги.
<b>O</b>	Шахс онгини шакллантирувчи методларнинг томонлари (ички)	Тушунтириш ўқувчига қўйилган талабни, воқеаларни, ҳаракатларнинг ижтимоий, ахлоқий, эстетик мазмунини ёритиш, дунёвий билимларни эгаллашда онгли интизомни, юксак маданиятни миллий ғурурли қилиб тарбиялашда ёрдам бериш.
<b>T</b>	Тўсиқлар (ташқи)	Шахс онгини шакллантирувчи методларни қўллаш жараёнида ташкилий, услубий ва ҳуқуқий муаммоларнинг пайдо бўлиши.

**Мавзу: Тарбия жараёнини ташкил этиш шакллари. Тарбия жараёнини амалга оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш.**

**“Keys-stady”** технологияси.

“Keys-stady” (инглиз тилида “case” – метод, “stady” – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) технологияси таълим оловчиларда аниқ,

реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. У таълим олувчиларни бевосита ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Технологиянинг негизида муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади. Булар қуйидагилар: таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини бошқариш усул ва воситалари, муаммони ҳал қилиш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш усул ва воситалари, илмий таҳлилнинг усул ва воситалари, ўқитувчи ва таълим олувчи ўртасидаги таълимий алоқанинг усул ва воситалари, ўқув натижалари.

*Методни амалга ошириш тартиби:*

тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 нафар талабадан иборат гуруҳларга ажратади;

тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммонинг таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари қайд этилган тарқатма материалларни тарқатади;

ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;

навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарур ахборотлар билан тўлдирилади ва машғулот якунланади.

### Тарбиявий тадбир ташкил этишга “Кейс-стади” методини қўллаш


Вазият	Ўқитувчи 3-“А”синф ўқувчиларини “Тил – миллат кўзгуси” номли тадбирга тайёрлапти. Тайёргарлик жараёнида ўқитувчи ўқувчиларни сценарий билан таништирди. Сценарийдаги ролларни ўқувчиларнинг иқтидори ва қобилиятига қараб тақсимлаб чиқиш зарур. Муслима исмли ўқувчи Муҳаммад Юсуфнинг “Она тилим” шеърини яхши ёд олган, лекин у ўта тортинчоқ ва уятчан қиз. Ўқитувчи Муслимани шеърни яхши ёд олгани учун сценарийга киритиб қўйган. Муслима саҳнада шеър айтолмаслигини билдирди.
Вазифа	Ушбу вазиятда ўқитувчи қандай йўл тутиши лозим?
Ечим	Ўқитувчи Муслима билан суҳбат ўтказиши, намуна ва тушунтириш методларидан фойдаланиб, унда ўзига бўлган ишонч ҳиссини шакллантириши керак. Иқтидори ва қобилиятини намоён қилиши учун эса тортинчоқликни енгиб, мақсад сари интилишга ўргатиши зарур.

**Мавзу. Жамоа ҳақида умумий тушунча. Жамоани ташкил этиш методикаси.**

**“Венн диаграммаси”** график органайзери.

Таълим олувчиларда таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтиради. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади. “Венн диаграммаси” схема (график тасвир)га эга бўлиб, топшириқ шу схема асосида

бажарилади. Масалан, жамоани шакллантириш тўғрисида Шарқ мутафаккирларининг қарашлари қуйидагича:



**1-расм. “Венн диаграммаси” график органайзерининг қўлланилиши.**

График органайзер таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далиларни қиёсий таҳлил қилишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир. Фан юзасидан қўлланиладиган таълим технологиялари диссертациянинг 3-иловасида батафсил ёритилган.

“Миллий тарбиянинг мазмуни ва моҳияти” мавзусини концептуал жадвал асосида ўрганиш намунаси.

**“Концептуал жадвал” методининг қўлланилиши**

Шарқ мутафаккирлари	Педагогик қарашлар			
	Жамоа ҳақида	Ахлоқий тарбия ҳақида	Оила тарбияси ҳақида	Ақлий тарбия ҳақида
Абу Наср Форобий				
Абу Али ибн Сино				
Абу Райҳон Беруний				
Алишер Навоий				

**Мавзу: Синф раҳбарининг тарбиявий фаолияти самарадорлигини ошириш усуллари.**

**“Нилуфар гули” график органайзери.**

Технология дидактик муаммоларни ечишнинг самарали воситаларидан бўлиб, нилуфар гули кўринишига эга. Асос, унга бириккан тўққизта гулбарг (квадрат, тўртбурчак ёки айлана)ларни ўз ичига оладиган метод ёрдамида асосий муаммо ва унинг мазмунини ёритишга имкон берадиган хусусий масалалар ҳал қилинади.



**2-расм. “Нилуфар гули” график органайзерининг қўлланилиши.  
ХУЛОСА**

Машғулотларда қўлланилган мазкур методлар асосида талабаларда фан юзасидан олган билим, кўникма, малакалари, ҳамда ижтимоий компетенциялар ва маънавий-ахлоқий сифатларнинг ривожланганлиги муҳим омил сифатида қаралди. Ушбу методиканинг самарадорлигини ишимизнинг кейинги қисмида математик-статистик таҳлиллар асосида аниқланган.

#### REFERENCES

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. 592 б. (27-28-бет)
2. Абдукодиров А. “Case-study” услуби: назария, амалиёт ва тажриба. Монография. – Т.: “INNOVATSIYA-ZIYO”, 2019. – 130 б.
3. Мавлонова Р.А., Раҳмонкулова Н.Х., Нормуродова Б.А., Матназарова К.О. Тарбиявий ишлар методикаси. Дарслик. – Т.: 2014. – 360 б.
4. Farsakhanova, D. (2020). Improvement of the methodology of spiritual and moral education of students of pedagogical institutions. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
5. Farsakhanova, D., & G'ofurova, S. (2021). Boshlang'ich ta'limda sinfdan tashqari o'qish darslarida P. Mo'min ijodini o'rganish metodikasi. *Журнал инновации в начальном образовании, 1(БТНА\_1)*.

6. Farsakhanova, D., & Azdamova, M. (2021). Boshlangich sinflarda sifat ustida ishlash bo'yicha topshiriqlar tizimini ishlab chiqish. *Журнал инновации в начальном образовании, I*(БТНА\_1).
7. Farsakhanova, D. (2021). Boshlang'ich sinf "tarbiya" fanini o'qitishda ajdodlar merosidan foydalanish masalalari. *Журнал инновации в начальном образовании, (Архив№ 1)*.
8. Farsakhanova, D., & Asrorova, S. (2021). Bola tarbiyasida psixologiyaning o'rni va ahamiyati borasida mutafakkirlar qarashlari. *Журнал инновации в начальном образовании, (Архив№ 1)*.
9. Farsakhanova, D. (2020). Improvement of the methodology of spiritual and moral education of students of pedagogical institutions. *Архив Научных Публикаций JSPI*.